

Танлов ғолиблари аниқланди

// 03.07.2026

<https://uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/tanlov-goliblari-aniqlandi>



Корхонанинг хотин-қизлари иштирокида ўтказилган "Ихтирочи аёл" кўрик-танловининг натижалари эълон қилинди.

Ҳакамлар ҳайъати аъзоларининг якуний хулосасига кўра, 3-ўринни 68-цех мутахассиси Гулбаҳор Рўзиқулова "Саноат корхоналарида хавfli зоналарни масофавий бошқариш ва узоқ ҳудудлардаги объектларни автоном мониторинг қилиш экотизими" мавзусидаги тақдимоти билан эгаллади. 2-ўринга 33-цех лаборанти Мафтунга Ҳайитованинг "Олтингугурт бирикмаларини адсорбция қилиш учун ишлатилган "ҲТЗ-31" маркали адсорбентдан рух хлорид ва рух сульфат олиш" лойиҳаси муносиб топилди. 1-ўрин эса 33-цехнинг етакчи муҳандиси Дилафрўз Саматовга насиб этди. Ходимнинг "Ишлатилган НИАП-12-05 катализаторни қайта ишлатиш асосида "Навоиязот" АЖда никел нитрат ва никел сульфат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш" лойиҳаси энг яхши тақдимот сифатида баҳоланди.



Ғолиблар жамият касаба ушма қўмитаси томонидан тақдирланиб, танловнинг республика босқичида иштирок этиш йўлланмасини қўлга киритдилар.



